

6-1-2018

AUDIT OF TAX REPORT AND ISSUES OF ITS ORGANISING

K. Hotamov

Banking and finance academy

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Hotamov, K. (2018) "AUDIT OF TAX REPORT AND ISSUES OF ITS ORGANISING," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 3 , Article 20.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss3/20>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Ҳотамов К.Р. - Банк-молия
академияси, и.ф.д.

СОЛИҚ ҲИСОБОТЛАРИ АУДИТИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Мазкур мақолада аудиторлик фаолияти, аудит ўтказиш тартиби, солиқ ҳисоботлари аудитини ўтказишдаги айрим услубий масалалар тўғрисида фикр юритилган. Солиқ ҳисоботлари аудитини ўтказиш зарурияти асосланган.

Калит сўзлар: Аудит, аудиторлик текшируви, солиқ солинадиган база, солиқ аудити

Данная статья посвящена вопросам аудиторской деятельности, порядку проведения аудиторских проверок и некоторым методологическим аспектам аудита налоговой отчетности. Кроме того, в статье представлено обоснование необходимости аудита налоговой отчетности.

Ключевые слова: аудит, аудиторская проверка, налогооблагаемая база, налоговый аудит.

This article is devoted to the consideration of the issues regarding audit activities, the order of conducting audits and some methodological aspects of the tax reporting audit. In addition, the article represents the justification of the tax reporting necessity.

Key words: audit, audit inspection, taxable base, tax audit.

Республикамизда бугунги кунгача олиб борилган ислохотлар барча соҳаларни қамраб олиб, соҳаларнинг ривожланишиб боришига сабаб бўлди. Айниқса, ҳар бир фаолият тури бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, соҳанинг услубий таъминоти яратиб берилди. Жумладан, аудиторлик фаолияти бўйича амалга оширилаётган ишлар бугунги кунда аудит бўйича етарли услубий таъминот мавжудлигини кўрсатмоқда. Мазкур соҳа бўйича қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатлари соҳанинг услубий таъминоти яратилганлигидан далолат беради.

Аммо, аудиторлик фаолияти тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни мазмун моҳиятига қарайдиган бўлсак, аудиторлик фаолиятининг кенгайиб талабнинг ортиб бориши ишлаб чиқилган услубий таъминот етарли ва тўлиқ эмаслигини кўрсатади. Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нафақат молиявий ҳисоботлар балки, алоҳида ном билан аталувчи солиқ ҳисоботлари ҳам фан ва амалиётга кириб келиб қонунчиликда ўз аксини топган.

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларида солиқ ҳисоботлари алоҳида ҳисобот тури сифатида шакллантирилиши ҳамда тегишли элементларни ўз ичига олиши, топшириш муддатлари ва бошқа талаблар белгилаб берилган бўлиб, уларни аудиторлик текширувидан ўтказиш масаласи эса услубий жиҳатдан таъминланмаган.

Бугунги кунда бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тизими бир-

биридан узоқлашиб қолаётгани солиқ аудитини ўтказиш зарурлигини келтириб чиқаради. Солиқ ҳисоботлари солиқ қонунчилиги нормаларини бажариш асосида тузилиши билан бухгалтерия ҳисоби ахборотларидан фойдаланган ҳолда шакллантирилади. Шу боис, бухгалтерия ҳисобини солиққа тортиш тизими билан чамбарчас боғлиқлигини инобатга олган ҳолда юритиш лозим.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддаси бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги маълумотни акс этириб, бухгалтерия ҳисоби барча хўжалик операцияларини яхлит, узлуксиз, ҳужжатлар асосида ҳисобга олиш йўли билан бухгалтерия ахборотини йиғиш, қайд этиш ва умумлаштиришнинг тартибга солинган тизимидан, шунингдек, унинг асосида молиявий ва бошқа ҳисоботни тузишдан иборат эканлиги эътироф этилган [3].

Мазкур норма мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, молиявий ҳисобот ва бошқа ҳисоботни тузиш ҳақида сўз юритилган. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунга кўра хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бухгалтерия ҳисоби ахборотларидан фойдаланувчилар учун асосий ҳисобот молиявий ва солиқ ҳисоботлари ҳисобланади. Молиявий ҳисобот, унинг таркиби, топшириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунда ўз ифодасини топган.

Бундан келиб чиқадиги бошқа ҳисобот дейилганда асосан, солиқ ҳисоботлари тушунилади. Чунки, Солиқ кодексида субъектлар томонидан солиқ ҳисоботлари шакллантирилиши тўғрисида нормалар, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасида ҳам бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбари солиқ ҳисоботининг тайёрланишининг ташкил этиши шарт эканлигини белгилаб қўйилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан молиявий ҳисоботлар билан бирга солиқ ҳисоботлари ҳам мажбурий тартибда солиқ органларига тақдим этилар экан, бу солиқ ҳисобини юритиш заруриятини келтириб чиқариш билан бирга, солиқ аудитини ўтказиш лозимлигини кўрсатиб ўтади.

Солиқ аудити солиқ назорати самарадорлигига хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддаси «Солиқ назорати» деб номланиб, унга кўра солиқ назорати «Солиқ назорати солиқ тўловчиларни, солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олишнинг, шунингдек солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидан иборат» эканлиги кўрсатиб ўтилган [2].

Солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш, солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олиш, бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушаётган тушумларни ҳисобга олиш, камерал назорат, нақд пул тушумларининг келиб тушиши хронометражи, солиқ текширувлари, фискал хотирали назорат касса машиналарини қўллаш солиқ назоратининг шакллари ҳисобланади.

Солиқ назоратининг асосий шакллари билан бири бу-солиқ текширувидир. Солиқ текшируви давлат солиқ хизмати органлари томонидан, қонун

ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини текширишдир.

Биз мазкур мақолада мавзу доирасида солиқ текширувига эмас, аудит ҳамда унинг таркибий қисми бўлган солиқ аудити, унинг назарий-услубий асослари, солиқ аудити ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари, солиқ ҳисоботлари аудитини ўтказишнинг зарурияти ҳақида фикр юритамиз.

Солиқларни аудиторлик текширувидан ўтказиш зарурияти аудитини ўтказиш, аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳуқуқий таъминотини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сон Фармонида ҳам ўз аксини топди. Жумладан, мазкур Фармонда «ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва қонунга итоаткор тадбиркорлик субъектларининг барқарор фаолияти кафолатларининг асосий механизмларидан бири сифатида аудиторлик ташкилотлари ва солиқ маслаҳатчилари кўрсатаётган хизматлар сифати ва тақдим этаётган хулосаларининг ҳаққонийлиги учун жавобгарликни кучайтириш юзасидан улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш»нинг белгиланиши ҳам қайсидир маънода солиқларни аудиторлик текширувидан ўтказишда сифат жиҳатларига янада кучлироқ эътибор қаратиш лозимлигини билдиради [5].


Ушбу ҳужжатда 2017 йил 1 январдан бошлаб барча режадан ташқари текширишларнинг бекор қилиниши ҳамда аудиторлик ташкилотлари ва солиқ маслаҳатчилари кўрсатаётган хизматлар сифати ва тақдим этаётган хулосаларининг ҳаққонийлиги учун жавобгарликнинг кучайтирилиши бевосита солиқлар аудитига бориб тақалади. Чунки, режадан ташқари текширишлар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиққа тортиладиган база яширилганда, солиқ объекти ҳисобга олинишида шубҳа бўлганда ўтказилар эди. Солиқ аудитининг ҳам асосий вазифаси солиққа тортиладиган базанинг тўғри ҳисобланганлиги ҳамда имтиёزلардан белгиланган мақсадда фойдаланилаётганлигини текширишдан иборат.

Ҳозирги кунда солиқ органлари томонидан назоратлар ўтказилмоқда. Аммо, бу назоратлар текшириш, жазолаш, пеня ва жарималар тўланишини таъминлайди. Бу эса, солиқ тўловчиларни текширишларни четлаб ўтишига олиб келади.

Солиқ органлари, Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ўтказиладиган назоратлар молиявий назорат таркибига киради. Фикримизча, аудит назорати ҳам молиявий назорат ҳисобланади, аммо, солиқ аудити мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан ҳам солиқ органлари томонидан ҳам ўтказилиши мумкин (1-расм).

Аудит тушунчасининг мазмуни жуда кўп йиллардан бери турли хил тортишув ва мулоҳазаларга сабаб бўлгани каби, солиқ аудити тушунчаси аудитнинг таркибий қисми сифатида республикамиз ва хорижлик олимлар

томонидан ўрганиб чиқилган. Жумладан, Б.Исроилов «солиқ аудити – қонунчилик нормалари билан белгиланган солиқлар ва солиқларга тенглаштирилган тўловлар интизоми ҳамда назорати солиқ назорати органлари зиммасига юклатилган мажбуриятлар ижросини назорат қилиш мақсадида, ваколатли органлар ёки мулкдорлар томонидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда солиқ тўловчиларда ўтказиладиган текширувдир» [6] дея таъриф берган.



1-расм. Молиявий назорат турлари¹

Профессор З.Курбанов эса «солиқ аудити бу – хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқлар, мажбурий тўловлар ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмаларнинг тўғри ҳисобланиши, ўз вақтида ва тўлиқ бюджетга тўланиши, солиқ қонунчилигига риоя қилинишини мустақил текшириш ҳамда солиқ масалалари бўйича хизматлар кўрсатишдир» [7] деб эътироф этган.

Хорижий олимлардан А.Д.Шеремет, В.П.Суйцлар «солиқ аудити бу солиқларни тўғри ва тўлиқ ҳисобланиши ва тўланиши, солиқ сиёсатига риоя қилинишини аудиторлик текширишидир» [8] дея таъриф беради.

Р.Д.Дўсмуратов ўзининг дарслик, монография ва бошқа илмий ишланмаларида аудитнинг умумий жиҳатларини акс эттириш билан бирга, солиқларнинг ҳар бири бўйича аудит қилишни ёритиб берган. Умуман бугунги кунгача солиқ аудитининг ҳар бир элементига энг чуқур тадқиқот ушбу муаллифнинг ишларида учрайди [10,11].

Юқорида келтирилган таърифларнинг барчасида солиқ органлари томонидан белгиланган қатъий нормаларга риоя қилиниши устидан назорат қилиш маъноси мавжуд. Яъни, таърифларда солиқ назоратлари, солиқлар ўз вақтида тўланиши, бюджет назорати нуқтаи назаридан берилган. Бизнинг фикримизча, солиқ аудити таърифи солиқ назорати нуқтаи назаридан эмас, бухгалтерия ҳисоби назорати нуқтаи назаридан бўлиши лозим. Бунда солиққа тортиладиган базанинг тўғри ҳисобланиши, солиқларнинг ўз вақтида бюджетга тўланиши, ҳисоб-китобларни шакллантириш, солиқ имтиёзларининг қўлланилиши каби масалалар ҳам ўз аксини топиши лозим. Масалан, солиқ бўйича берилган имтиёздан субъект фойдаланмаса, унга нисбатан жавобгарлик

¹ Муаллиф томонидан тузилган

мавжуд эмас, аммо, аудитор солиқ аудитида субъект фойдасига ҳисобланиши лозим бўлган солиқ имтиёзлари, солиқлар бўйича кечиктириладиган харажатлар ва бошқа шу каби солиқ енгилликларини ҳам кўриб ўтиши лозим. Шу боис, солиқ аудитида солиқ элементларининг ҳар бирига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Солиқ аудитига берилган таърифлар асосан, солиқ қонунчилиги нормаларига риоя қилинишини текширишга бағишланган. Бу эса, умумий аудитдан фарқли равишда солиқ аудитини ўтказиш заруриятини юзага келтиради.

Бугунги кунгача солиқ ҳисоботларини аудитдан ўтказиш молиявий ҳисоботларни аудитдан ўтказиш каби амалга оширилмоқда. Яъни, молиявий ҳисоботларни аудитдан ўтказиш методикаси асосида ташкил қилинади. Бу эса, солиқлар аудитини ўтказишнинг ўзига хос хусусиятларга хос эмас.

Хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисобот ва молиявий ахборот тўғрилигини текширишда объектларни танлаб текшириш мумкин. Аммо, солиқлар аудитини ўтказишда танлаб текшириш қутилган самарани бермайди. Чунки, маълум бир операциялар бўйича солиқ суммаларини танлаб текшириш уларнинг умумий суммаси бўйича бўлиши мумкин бўлган хатолик тўғрисида маълумот бермайди. Шу боис, солиқлар аудитини ўтказишда ялпи (ёппасига) текшириш мақсадга мувофиқ.

Бизга маълумки аудиторлик текшируви маълум даврни ўз ичига қамраб олиб, одатда режали тарзда ўтказилади. Масалан, йил, чорак, ой яқунлари бўйича маълум санага бўлган маълумотлар аудитдан ўтказилади. Аммо, солиқлар аудитини ўтказиш унинг даврийлигига қарамаслиги мумкин. Ҳатто, айрим адабиётларда раҳбар ёки бош бухгалтер алмашганда ҳам солиқ аудитини ўтказиш тавсия этилади.

Россия Федерациясида солиқ аудити бўйича алоҳида методика ишлаб чиқилган. «Солиқ масалалари бўйича солиқ аудити ва бошқа хизматлар. Солиқ органлари билан мулоқот» деб номланган мазкур методика Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги аудиторлик фаолияти бўйича комиссия томонидан 2000 йил 11 июлда маъқулланган. Ушбу методикада кўрсатилишича «Солиқ аудити деганда, иқтисодий субъектнинг бухгалтерия ва солиқ ҳисоботларини ҳақиқийлиги ва қонунчилик томонидан белгиланган нормаларга мос келишлиги даражасини, иқтисодий субъектлар томонидан бюджетга тўланадиган солиқлар, бошқа тўловлар ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмаларни ҳисобда акс эттирилишини аудиторлик ташкилотлари томонидан махсус аудиторлик топшириғини бажарилиши тушунилади». Россия Федерациясида қўлланилаётган мазкур методика қисман бўлсада солиқ ҳисоботларини аудитдан ўтказиш тартибини белгилаш учун услубий таъминот вазифасини бажаради.

Солиқ текширишлари натижаларидан ҳам кўринадики, хўжалик юритувчи субъектларда солиқлар аудитини ташкил этиш ва ўтказиш зарур. Маълумотларга қараганда солиқ текширувларининг барчасида жуда катта миқдордаги қўшимча солиқлар, жарима ва пеня ҳисобланиши кузатилади.

Жумладан, «2015 йилда солиқ тўловчилар молия-хўжалик фаолияти юзасидан 16861 та солиқ текширувлари ўтказилиб, ушбу текширишларда 797,0 млрд. сўм қўшимча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобланган. Текширув натижалари юзасидан 2,1 млрд сўм миқдорида молиявий жарималар қўлланилиб 62,2 млрд сўм миқдорида устама ҳисобланган» деб ёзади, муаллиф С.Боймуратов [9].

Эътибор қаратадиган бўлсак, бу ташкилотларнинг аксарияти йирик корхоналар бўлиб, молиявий ҳисоботлари аудитдан ўтказилган. Ҳар бир корхонага қўшимча ҳисобланган солиқ суммаси ўртача ҳисобда 47 млн сўм, устамалар суммаси ўрта ҳисобда 4 млн. сўмга атрофида тўғри келади. Бу эса, солиқ ҳисоботлари аудити етарли даражада ташкил қилинмаётганлигини билдиради. Бу ерда солиқ органлари томонидан ўтказилган текширишлар бўйича маълумотлар берилмоқда. Текшириш ўтказилмаган субъектларда ҳам аҳволни бундан яхши деб бўлмайди. Бундан ташқари, солиқ органлари томонидан молия-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган текширувларнинг 90 фоиздан ортиғида қўшимча солиқлар ҳисобланиб, молиявий санкциялар қўлланилган.

Солиқларнинг ҳисобланиши, тўланиши ва улар ҳисобининг тўғри ташкил этилиши, ҳисоботларда акс эттирилиши бухгалтерия ҳисобини юритишнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Солиқларнинг белгиланиши уларнинг маълум бир элементлари мавжуд бўлишини тақозо этади. Жумладан, Солиқ кодексига, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементларига солиқ солиш объекти, солиқ солинадиган база, ставка, ҳисоблаб чиқариш тартиби, солиқ даври, солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби, тўлаш тартиби киритилади.

Бундан ташқари, Солиқ кодексига назарда тутилган ҳолларда, солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов белгиланаётганда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида солиқ имтиёзлари белгиланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, фикримизча, солиқ аудитини аудитнинг махсус тури сифатида эътироф этиш ва унга қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ. «Солиқ аудити – бу мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг барча элементлари ва имтиёзларини тўғри қўлланилганлигини солиқ ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослигини текширишдир».

Яна бир муаммоли масала шундан иборатки, адабиётларда аудит ўтказиш аудитор текшируви натижаларидан инвесторлар, кредиторлар ва бошқа манфаатдорлар фойдаланишлари учун эканлиги эътироф этилади. Аммо, аудиторлик ташкилоти томонидан берилган хулосани солиқ органларига топшириш мажбурий ҳисобланади. Бундан келиб чиқадики, солиққа тортиш фаолияти аудиторлик текширувида асосий ўринни эгаллайди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, барча молия хўжалик фаолияти текширишлари охир оқибат солиққа тортиш фаолиятига бориб тақалади. Шу боис, солиқ аудитининг методологик асосини яратиш зарурияти борлигини яна бир бор кўришимиз мумкин.

Республикамиздаги қонунчилик нормаларига назар ташлайлик. Бугунги

кунда амалда бўлган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасида «Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва молиявий ахборот тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотини аудиторлик ташкилоти томонидан текширишидир» дейилган [4]. Мазкур таърифнинг мазмун-моҳиятига қарайдиган бўлсак, молиявий ҳисобот маълумотлари аудитини ўтказиш аудиторлик текшириши эканлиги эътироф этилган. Бу ерда солиқ ҳисоботлари аудитини ўтказиш ҳақида сўз юритилмаган. Ваҳоланки, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бугунги кунда молиявий ҳисоботлар билан бирга солиқ ҳисоботлари ҳам солиқ органларига топширилмоқда. Ҳатто, солиқ ҳисоботлари молиявий ҳисоботга нисбатан кўп маротаба топширилади. Масалан, йирик корхоналар бир йилда 4 маротаба, кичик корхоналар бир йилда бир маротаба молиявий ҳисобот топширишса, мазкур субъектлар бир йилда 4 маротабадан 12 маротабагача солиқ ҳисоботларини топширадilar.

Ушбу масала юзасидан мулоҳаза юритилганда, аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари етарлилиги, солиқ муносабатларини текшириш ҳам ушбу қонунда ўз ифодасини топганлиги эътироф этилади. Ваҳоланки, аудиторлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида солиққа тортиш, солиқ ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказиш муносабатлари аудиторлик текшириши таркибига киритилмаган. Биз Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги Қонуннинг 9-моддасида аудиторлик текширишига берилган таърифдан кўрдикки, молиявий ҳисобот ва молиявий ахборотларни текшириш аудиторлик текшириш эканлиги эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасида аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматларини кўрсатишлари мумкинлиги назарда тутилган бўлиб, профессионал хизматларга:

- бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, қайта тиклаш ва юритиш;
- молиявий ҳисоботни тузиш;
- миллий молиявий ҳисоботни бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига ўтказиш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш;
- бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш, режалаштириш, менежмент ва молия-хўжалик фаолиятининг бошқа масалалари юзасидан консалтинг хизмати;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ва декларацияларни тузиш.
- хўжалик юритувчи субъект тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) вазифаларини амалга ошириш кириши эътироф этилган [4].

Ушбу моддада бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш, режалаштириш, менежмент ва молия-хўжалик фаолиятининг бошқа масалалари юзасидан консалтинг хизмати, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ва декларацияларни тузиш каби хизматлар кириши белгиланган аммо,

солиқ ҳисоби ва ҳисоботларига урғу берилмаган. Яъни, солиқ ҳисоботларини аудитдан ўтказиш тартиби келтириб ўтилмаган. Айтилик февраль ойида хўжалик юритувчи субъект, ойма-ой топширадиган маълум бир турдаги солиқ ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказиб хулоса олмақчи, аммо, молиявий ҳисобот чорак яқунлари бўйича апрель ойида шакллантирилади. Бизнинг қонунчиликда мазкур ҳолатда солиқ ҳисоботлари аудитини ўтказиш учун меъерий-ҳуқуқий асос мавжуд эмас. Амалдаги қонунчиликка кўра махсус топшириқ сифатида текшириш мумкин дейилсада, махсус топшириқ натижаси бўйича хулоса эмас ҳисобот берилади.

Шу боис, фикримизча, бухгалтерия ҳисоби ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига солиқ ҳисоботи тушунчаси киритилганлиги, молиявий ҳисоботдан маълумотлари, топшириш даврийлиги ҳамда бошқа фарқли жиҳатларини инобатга олган ҳолда аудиторлик текширувига қуйидагича «Аудиторлик текшируви бухгалтерия ҳисобининг умумлаштирилган маълумотлари асосида шакллантирилган молиявий ва бошқа ҳисобот ҳамда уларни умумлаштириш чоғидаги ахборотларнинг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ва солиқ ҳисоботларини ҳамда улар билан боғлиқ молиявий ахборотини аудиторлик ташкилоти томонидан текширишди» дея таъриф берилса, солиқ ҳисоботларини ҳам аудиторлик текшируви объектига меъерий ҳужжатлар асосида киритилиши таъминланади.

Мазкур таърифнинг берилиши, аудиторлик ташкилотлари томонидан молиявий, солиқ ҳисоботлари ва бошқа молиявий ахборотларни аудиторлик текширувидан ўтказиш методикасининг услубий таъминотини мустаҳкамлайди.

Солиқ ҳисоботлари аудиторлик текширувидан ўтказилар экан, солиқ ҳисоботлари бўйича бериладиган аудиторлик хулосаси тушунчасини ҳам ўрганиш ва меъерий-ҳужжатларга мослаштириш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни 9-моддасига кўра «аудиторнинг хулосаси – молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибининг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган, молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун очик бўлган ҳужжат» ҳисобланади [4]. Савол туғилади, молиявий ҳисобот тўғри аммо, солиқ ҳисоби ва ҳисоботида хатолик мавжуд бўлган ҳолларда бу аудиторнинг хулосасида кўрсатилмайдими? Бундан ташқари, бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича қоидаларга риоя қилинган, аммо солиқ ҳисобини юритиш, солиқ ҳисоботини тузиш қоидаларига риоя этилмаган бўлса амалдаги қонунчилик бўйича аудиторлик текшириш ўтказа олмайдими?

Бухгалтерия ҳисобини юритишга доир меъерий-ҳужжатларда солиқ ҳисобини юритиш тартиби келтирилмаган. Бизнинг фикримизча, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиқ ҳисоботини шакллантирилиши аудиторлик хулосасида акс этирилиши лозим. Шундан келиб чиқиб, «Аудиторнинг хулосаси – бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида шакллантирилган

молиявий ва солиқ ҳисоботларининг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳисобини юритиш тартибининг қонун ҳужжатларига белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган, молиявий ва солиқ ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очиқ бўлган ҳужжат» дея таъриф берилса аудиторлик текширувининг натижалари асосида берилган хулоса ҳам мазмунан ҳам меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан аниқ бўлар эди.

Берилаётган мазкур таклифларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топиши, солиққа тортишнинг адолатлилигини таъминлаш билан бирга, хўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор ривожланишини таъминлаб, бюджетга солиқ тушумларини кўпайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси: - Тошкент: «Адолат», 2016 й. – 400 б.
2. Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни, 1997 йил 29 август. 474-І-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири). 2016 йил 14 апрель. № 404.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири). 2000 йил 26 май.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сонли Фармони.
6. Исроилов Б.И. Солиқларнинг молиявий ҳисоби ва таҳлилининг методологик асослари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация. - Т.: БМА, 2006.– 286 б.
7. Қурбонов З.Н. Солиқлар ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация. - Т.: БМА, 2008.– 272 б.
8. Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит: Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2005.– 280 с.
9. «Тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, ҳамда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда солиқ сиёсатининг ўрни» мавзусида Республика илмий-амалий конференция материаллари. Солиқ академияси, Тошкент, 2016.– 286 б.
10. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2003.– 612 б.
11. Дўсмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: Назария, услубиёт ва амалиёт. Монография. - Т.: «Молия», 2007.– 276 б.